2

Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 7 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 209 (13.272)

Баҳоси эркин нархда

АЛЕКСАНДР ЛУКАШЕНКО ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов буюк давлат арбоби, улуғ сиёсатчи ва комил инсон сифатида халқимиз орасида, бутун дунёда алоҳида ҳурмат қозонган эди. Юртбошимиз мангу қўним топган маскан бугун барча учун муқаддас зиёратгоҳга айланди.



Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида 6 октябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди.

Александр Лукашенко ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов қабрига гул қўйдилар ва унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Олий мартабали меҳмон Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислом Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримовага чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг учрашуви бўлиб ўтди.

Беларусь Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги асосий иқтисодий шерик сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси ўртасида 2008–2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва унинг ижросига қаратилган дастур изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенкога миннатдорлик билдирди. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик муносабатлари бундан кейин ҳам изчил давом этишини, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш зарурлигини таъкидлади.

Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов бутун фаолиятини ўз халқи, Ватани равнақига бағишлагани, бугун Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланган, тинч ва барқарор давлатга айланганини қайд этди. Ислом Каримов вафотидан кейинги синовли кунларда Ўзбекистон халқи донолигини, юксак маданиятини ва ҳамжиҳатлигини яна бир бор намоён этганини, шундай буюк заминга ташриф буюрганидан мамнунлигини таъкидлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг яқинда бўлиб ўтган 71-сессиясида мажлис иштирокчилари Ислом Каримов хотирасини ёдга олиб, ҳурмат бажо келтиргани ҳам Президентимизнинг халқаро обрў-эътиборини яққол тасдиқлайди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар САМАДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎзА махсус мухбирлари

Сайлов – 2016

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА УЧРАШУВ

2016 йилнинг 6 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори Жон Макгрегор билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Марказий ва округ сайлов комиссиялари томонидан жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача ахборот берди.

Марказий сайлов комиссияси ва ЕХҲТ ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. ЕХҲТ лойиҳалар координаторининг Тошкентдаги офиси "Ўзбекистон Республикаси сайлов амалиётини такомиллаштиришга кўмаклашиш" қўшма лойиҳаси доирасида мамлакатимизда сайлов амалиётини янада демократлаштиришнинг турли масалаларига бағишланган халқаро тадбир, анжуман ва семинарларни ташкил қилиш ҳамда ўтказишда фаол иштирок этди. Уларнинг ишида ЕХҲТга аъзо мамлакатлар вакиллари, ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси экспертлари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси вакиллари Испания, Франция, Дания, Буюк Британия сайлов амалиёти билан яқиндан танишиш, хусусан, сайловчиларнинг ягона электрон реестрини яратиш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш имконига эга бўлди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси Ўзбекистонда парламент ва Президент сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёни юзасидан бир неча марта кузатув олиб борган. ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси шу йилнинг 11-14 октябрь кунлари Эҳтиёжларни баҳолаш миссиясини юборишга қарор қилди.

– Сайлов санаси эълон қилинганига кўп вақт ўтмаган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан салмоқли ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлдик, – дейди ЎзА мухбирига Жон Макгрегор. – Бу ўринда комиссия томонидан ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси сайловни кузатиш учун биринчилардан бўлиб таклиф этилганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бюро экспертларининг мазкур жараёнда иштирок этиши келгусида ЕХҲТга аъзо барча 57 мамлакат учун қимматли тажриба бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

Учрашувда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Б.БОЗОРОВ

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жамиятимизнинг, тараққиётимиз ва фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиши шарт, деб таъкидлаган.

Фармон ва ижро

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев 2016 йил 5 октябрда имзолаган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон ана шу мақсадларнинг амалда тўлиқ рўёбга чиқишига янги имкониятлар яратади.

Мазкур Фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган. Тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш учун қулай шароит яратади.

Соҳани қўллаб-қувватлашга эътибор кучаяётгани бежиз эмас. Мазкур тармоқ нафақат ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг, фаровонликка эришишнинг муҳим омилига айланди. Зеро, тадбиркорларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бозорларимиз тўкинлигини таъминлаш билан бирга, давлатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришга ҳам салмоқли улуш қўшмоқда.

– Тадбиркорларнинг сафи кенгайиб бораётгани, иқтисодиётдаги ҳиссаси жадал ўсаётгани уларнинг эркин фаолият юритиши учун барча зарур шарт-шароит яратилаётгани туфайлидир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши котиби Эркин Жўраев. – Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тизими йилдан йилга такомиллашмоқда.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ва жойларда унинг ҳудудий комиссиялари ташкил этилгани, хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилаётган текширишларни мувофиқлаштириш тартиби жорий этилгани шу йўналишда учраётган муаммоларга барҳам беришга замин яратди. Бу билан назорат қилувчи идораларнинг истаган пайтда хоҳлаган корхонада текшириш ўтказиш амалиётига чек қўйилди.

(Давоми 2-бетда)

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

6 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Депутатлар фракциялар мажлисларида, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.Мирзиёевнинг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратдилар. Депутатлар мазкур ҳужжатни, нормаларини ва унда қўйилган вазифаларни тўлиқ қўллаб-қувватлаган ҳолда, ушбу фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини ва унинг дахлсизлигини мустаҳкамлашга, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга хизмат қилишини таъкидлаб ўтдилар.

Парламент аъзолари ўз ишларини **"Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига ижтимоий хизматлар тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишдан бошладилар.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасида аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларига кўрсатиладиган ижтимоий хизматларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий хизматларни кўрсатиш борасидаги умумий талаблар ва асосий йўналишларни аниқлаш, ушбу соҳада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ролини ошириш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш жараёни устидан мониторинг ва назорат қилишни кучайтириш юзасидан изчил фаолият олиб борилаётганлиги қайд этилди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида қўмита томонидан сиёсий партиялар фракцияларининг, шунингдек, айрим депутатларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларига катта эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар сиёсий партияларнинг нуфузини мустаҳкамлаш, жамият ҳаётидаги фаол иштирокини янада оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

• Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Жанубий Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Ўзбекистонда касб таълими имкониятларини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида ташкил этилган касб-ҳунарга ўқитиш маркази иш бошлади.

• Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида фаол ёшлар билан учрашув ўтказилди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ташаббуси билан таниқли санъаткорлар, Олимпиада чемпионлари иштирокида ўтган тадбирда 300 дан ортиқ ёш фермер ва тадбиркорлар, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган фаол ёшлар, "Камолот" етакчилари, ёш ўқитувчи ва спортчилар қатнашди.

ЖАҲОНДА

• Дэвид Таулесс (Вашингтон университети), Дункан Халден (Принстон университети) ва Жон Костерлиц (Браун университети) олимлари "Топологик фазавий ўтишлар ҳамда материянинг топологик босқичлари"га доир назарий кашфиёт учун физика йўналиши бўйича жорий йилдаги Нобель мукофотига сазовор бўлдилар. Нобель мукофотига сазовор бўлганларни тақдирлаш маросими 2016 йилнинг 10 декабрь куни Швециянинг Стокгольм шаҳрида ўтказилади ва мукофот соҳибларининг ҳар бирига 8 миллион швед кроні (932 минг АҚШ доллари) берилади.

• Япониянинг "Тойота Мотор" компанияси мутахассисларининг "Kirobo Mini" номли робот бола ихтиро қилишганлиги маълум этилди. У туғилиш суръати жуда пасайиб бораётган Кунчиқар юртда истиқомат қилаётган бефарзанд аёллар учун бола вазифасини бажариши кўзда тутилмоқда. Чунончи, робот тебранади, бир кўрган кишида ҳали оёққа туриб кетмаган болани эслатади. Овоз синтезатори гўдакнинг ширин овозини ўхшатади.

КОНСТИТУЦИЯ – ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР КАФОЛАТИ

Мамлакатимиз муҳим сиёсий жараёнлар арафасида турибди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96, 117-моддалари ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуннинг 5 ва 9-моддаларига мувофиқ 2016 йил 4 декабрь, якшанба кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, жорий йилнинг 9 сентябридан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинди. Мазкур жараёнда ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўз конституциявий ҳуқуқи – сайлов ҳуқуқини амалга ошириш асосида жамият ва давлат ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат раҳбарини сайлаш бўйича ўзи овозини расмийлаштиради.

Умуман олганда, демократик тамойиллар асосида ташкил қилинадиган ва ўтказиладиган сайловлар мамлакат фуқароларининг давлат органларини тузишдаги иштирокини таъминлайди. Сайловлар натижасида жамият аъзоларининг хоҳиш-иродаси, олиб борилаётган сиёсатга муносабати аниқланади, фикрлар хилма-хиллиги намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади.

Сайловларнинг демократик хусусияти жамиятнинг сиёсий етуклик даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, у муҳим сиёсий-ҳуқуқий жараён сифатида жамият тараққиёти йўлини белгилашга, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлашга, ривожланишнинг изчил бўлишига хизмат қилади ва жамиятнинг фаол сиёсий кучларидан саналган сиёсий партияларнинг, халқ вакилларининг давлат бошқарувида иштирокини таъминлайди. Шундай экан, мазкур жараёнларнинг ошкора, адолатли ўтказилишида унинг қонунчилик асослари ўта муҳим роль ўйнайди.

Мазкур қонунчилик тизимида Конституция алоҳида аҳамиятга эга. Чунки, Конституциямиз нафақат давлат органлари тизими ва ваколатларини, балки, давлат ҳокимияти олий органларини шакллантириш асосларини ҳам белгилаб берган. Ушбу қоидаларнинг фуқароларнинг ажралмас сиёсий ҳуқуқлари билан уйғун ҳолда ўрнатилганлиги шахс, жамият ва давлат муносабатларида халқ ҳокимиятчилиги принципи узвийлигини таъминлаш имконини берди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади", дейилган муҳим демократик қоида белгиланиб, бу, биринчидан, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг конституциявий асосга эгалигини, иккинчидан эса, сайловларнинг демократик бошқарувни таъминловчи воситалардан бири эканлигини кўрсатади.

Буларнинг барчаси, сайловларнинг асосий мақсади халқ ҳокимиятчилигини таъминлаш билан боғлиқ энг муҳим конституциявий принциплардир. Яъни Конституциянинг 7-моддасида мустаҳкамланган "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир", 2-моддада "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади" деган қоидаларни амалга ошириш механизми сайловлар орқали амалий рўёбга чиқади. Сайлов тизими демократик давлатдаги муҳим конституциявий институтлардан бўлиб, унинг ташкил этилиши сифати жамиятдаги сиёсий-ҳуқуқий онг ва тажрибага бевосита боғлиқ.

Мазкур жараёнларда Конституция ва унинг демократик принциплари тартибга солиш ва йўналтириб туриш вазифасини ўтайди. Дарҳақиқат, сайлов ҳуқуқи бутун дунёда эътироф этилган энг муҳим конституциявий-сиёсий ҳуқуқлардан бўлиб, фуқароларга нафақат вакиллик органларини ташкил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш имкониятини ҳам беради. Бундан ташқари фуқаролар давлат бошлиғи вазифасига бир неча номзодлар орасидан энг муносибини сайлайдилар. Фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини тўсқинликларсиз амалга оширишлари уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг энг муҳим шаклларидан биридир. Умумхалқ сайловлари орқали давлат ҳокимияти олий органларини шакллантириш демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгисидир.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, "Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг неғизлик демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир".

Дарҳақиқат, сайловлар халқ хоҳиш-иродасини ифода этадиган, мамлакат сиёсий тараққиётига фаол таъсир этиш воситаси ҳамдир. Демократик принциплар асосида ташкил қилинган ва ўтказилган сайловлар мамлакат фуқароларининг давлат органларини тузишда иштирокини таъминлайди. Сайловлар натижасида жамият аъзоларининг орзу-интилишлари, олиб борилаётган сиёсатга муносабати аниқланади, фикрлар хилма-хиллиги намоён бўлади. Шунингдек, сайловлар халқ хоҳиш-иродасини ифода этишнинг демократик шакли бўлиб, "халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи" эканлигининг амалий ифодаси сифатида номоён бўлади.

Таъкидлаш ўринлики, ҳар қандай сайлов жараёнлари конституция ва қонунларнинг умумий ҳамда сайлов жараёнларига бевосита тааллуқли бўлган махсус принцип ва нормаларга таянади. Аввало, сайлов принциплари деганда нимани тушунмоқ керак? Сайлов ҳуқуқи принциплари – бу сайлов қонунчилигининг шаклланиш жараёни, ривожланиши ва ҳаракатланишининг раҳбарий ғояси, қоидаси, етакчи мезонидир. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра фуқаролар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш принципларига асосан сайловни амалга оширадилар. Мазкур принципларнинг амалга оширилишининг ҳуқуқий механизмлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида эътироф этилган ва у фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш имкониятини яратишга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс этган сайловга тааллуқли бўлган асосий норма ва принципларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчидан, демократиянинг умумэътироф этилган умумий принциплари;

Иккинчидан, бевосита сайлов жараёни билан боғлиқ муносабатларга оид принциплар.

Биринчи гуруҳга халқ ҳокимиятчилиги (7, 32-модда), жамият ва фуқаролар олдида масъуллик (2-модда), ҳокимиятларнинг тақсимланиши (11-модда), фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгалиги (117-модда), қонунийлик (15-модда), инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги (13-модда), озчиликни ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматининг камситилмаслиги (34-модда) ва бошқа норма ва принципларни киритиш мумкин.

Бевосита сайлов жараёни билан боғлиқ муносабатларга оид принциплар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– умумий сайлов ҳуқуқи (77, 90-моддалар);

– овоз бериш ҳуқуқининг тенглиги (90, 117-моддалар);

– тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи (77, 90-моддалар)

– яширин овоз бериш ҳуқуқи (77, 90, 117-моддалар)

– ҳар бир сайловчининг бир овозга эгалиги (117-модда);

– овоз бериш ҳуқуқининг эркинлиги (117-модда);

– Конституцияда истисно этилган ҳоллардан ташқари сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмаслиги (117-модда).

– Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлилик (117-модда).

Ушбу конституциявий нормалар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Эркин ва адолатли сайловларнинг мезонлари тўғрисидаги декларация ва ЕХҲТнинг инсонийлик мезонлари бўйича конференция Копенгаген Кенгашининг ҳужжати каби халқаро ҳужжатларга асосланган ҳолда қабул қилинган.

Мазкур принциплар сайловга оид миллий қонунларимизда ҳам кенг мустаҳкамланган. Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги (1991 йил 18 ноябрь), "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги (1994 йил 5 май), "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги (1994 йил 5 май), "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги (1998 йил 30 апрель), "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги янги таҳрири (2003 йил 29 август) каби қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари мазкур принципларни ўзида акс эттирган.

Сайловларнинг барча демократик талаблар асосида ўтказилишида Марказий сайлов комиссияси муҳим ўрин эгаллайди. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик каби асосий принциплар асосида фаолият кўрсатиши мустаҳкамланган.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллиги деганда Марказий сайлов комиссияси ва унинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга ошириши тушунилади. Бу билан Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг қарор қабул қилишда сиёсий мойиллар ва бошқа ёт таъсирлардан ҳоли бўлган ўз нуқтаи назарини билдириши белгиланди. Мазкур тамойил ўз аҳамиятига кўра жуда муҳимдир. Яъни, Марказий сайлов комиссияси аъзолари қарорлар қабул қилишда ўзаро рақобатлашаётган сиёсий партияларнинг ҳеч бирининг ғоясини устун ғоя сифатида кўрмайди ёки уларнинг ҳеч бирига ён босмайди. Балки, улар ўз фаолиятида юқорида кўрсатилган сайловнинг қонуний принциплари ва амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ, комиссия мажлисларида муҳокама этилган масалалар бўйича холис қарор қабул қиладилар. Шунингдек, мазкур принципга кўра, Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Юқорида қайд этилган принциплар сайловнинг халқаро умумэътироф этилган принципларига тўлиқ мувофиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, XXI асрнинг бошига келиб, халқаро ҳуқуқ сайлов ҳуқуқининг қуйидаги умумэътироф этган принципларини белгилайди:

1. Умум сайлов ҳуқуқи;
2. Тенг сайлов ҳуқуқи;
3. Эркин овоз;
4. Тўғридан-тўғри овоз;
5. Яширин овоз.

Хусусан, БМТ томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасига мувофиқ ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга. Халқ иродаси давлат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим.

БМТ томонидан 1966 йил 16 декабрда қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги Халқаро пактнинг (Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августда қўшилган) 25-моддасига асосан, ҳар бир фуқаро кўрсатилган Халқаро пактнинг 2-моддасида эслатиб ўтилган ҳеч бир камситишларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз қуйидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак:

А) ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш;

Б) ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин ҳолдаги хоҳиш-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз бериш ва сайланиш;

С) ўз мамлакатида умумий шартларда давлат хизматига киришда тенгликка йўл қўйиш.

Сайлов ҳуқуқининг принциплари бошқа халқ-аро ҳужжатларда ҳам мустаҳкамланган. Хусусан, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) демократик сайловлар соҳасидаги асосий андозалари Инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген ҳужжатида (1990) ўз ифодасини топган. ЕХҲТнинг сайлов принципларини қуйидаги еттита тушунча, – универсаллик, тенглик, эркинлик, адолатлилик, яширинлилик, очиқлик ва ҳисобдорлик мисолида тўла ифодалаш мумкин. Бу – ҳар бир овоз эътиборга олиниши ва фуқаро давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришга кўмаклашиши мумкин эканлигининг ўзига хос далолатидир.

Шу ўринда қисқача сайловнинг махсус принципларига тўхталиб ўтсак. Аввало, умумий сайлов ҳуқуқи тамойили ҳақида фикр юритамиз. Мазкур принципга кўра, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бевосита 18 ёшга тўлганда сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Айрим фуқаролар яъни, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунида "Ўзбекистон фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир" (2-модда), деб кўрсатилади. Ушбу қонунга асосан, ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган ҳамда бевосита сайловчача камида ўн йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланиш ҳуқуқига эга.

Яна бир муҳим принцип бўлган "тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи" тамойили деганда, бевосита сайловчилар томонидан сайланадиган номзодга овоз бериш тушунилади, бунда сайловчи ва номзод ўртасида ҳеч қандай воситачиликка йўл қўйилмайди. Тўғридан-тўғри сайлов, тўғридан-тўғри бўлмаган сайловдан шуниси билан фарқ қиладики, биринчи ҳолда депутат сайловчилар томонидан бевосита хоҳиш-иродаларини эркин ифода этиш йўли билан сайланади. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири 4-моддасига кўра, Қонунчилик палатаси депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар.

Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловлар яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Сайловчиларнинг сайловларда яширин овоз беришлари демократияни амалга ошириш шаклларидан биридир. Зеро, бундай овоз беришда фуқаролар ўз хоҳиш-истакларини эркин ифода этиш имкониятига эга бўладилар. Конституцияда сайлов ҳуқуқининг принципларининг мустаҳкамланиши Ўзбекистон Республикасида сайловчилар учун барча имкониятларнинг яратилганлиги, уларнинг сайловларда қатнашиш ҳуқуқлари ҳеч қандай цензлар билан чекланмаганлиги ва фуқароларнинг давлатни идора этишда фаоллиги ошганлигининг яққол намунасидир.

Қонунчилигимиз фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги устидан назорат қилишни ман этади. Сайловчи сайлов бюллетенини шахсан ўзи олади, махсус жиҳозланган кабинада ёки яширин овоз бериш хонасида уни ўзи тўлдиради ҳамда сайлов қутисига ўзи ташлайди. Хоҳиш-ирода билдиришнинг яширинлиги олдиндан овоз бериш ўтказилганда ҳам, сайлов участкасига келиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар овоз беришини ташкил этишда ҳам таъминланади.

Мухтасар қилиб айтганда, сайловларни ташкил этиш ва уни ўтказишда Конституциямизнинг сайлов ҳуқуқига оид норма ва принципларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Чунки, ушбу нормалар сайловларнинг умумэътироф этилган моҳияти ва тартиб-қоидаларини ўзида мужассам этади. Таъкидлаш жоизки, Конституциямизда сайлов ўтказишнинг асосий демократик принциплари ўз аксини топганлиги, ўз навбатида асосий конституциявий принциплардан бири бўлган "халқ ҳокимиятчилиги"нинг амалда чуқур татбиқ этилишининг ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

Восид ЭРГАШЕВ,
ТДЮУ "Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви" кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди,
Хушвақт ХАЙИТОВ,
ТДЮУ "Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви" кафедраси доценти, юридик фанлари номзоди

САЙЛОВ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорликда истиқлол йилларида миллий сайлов тизими ривожланиши масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчи ва талабалари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўтган даврда эркин ва адолатли сайловларнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ва янада ривожлантириш борасида катта амалий тажриба тўпланди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлар сайлов жараёнининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ўтказилган сайловларда тўпланган бой амалий тажриба, халқаро сайлов стандартлари миллий сайлов қонунчилиги демократик ислоҳотларга мос тарзда тадрижий ривожланиб, такомилга етиб боришида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

2015 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар миллий сайлов қонунчилигини демократик тамойиллар асосида янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Тадбирда жорий йилнинг 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш доирасида амалга оширилаётган ишлар, сайловларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти, унда ҳар бир фуқаро учун кенг имкониятлар яратилганлиги ҳақида ҳам фикр юритилди.

(ЎзА)

ДЕПУТАТЛАР ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Депутатлар қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш жараёнида ушбу қонуннинг қабул қилиниши, унда ижтимоий хизматлар мониторинги ва уларни баҳолаш механизмларининг белгиланиши ижтимоий ҳимоя тизими жамоат назорати учун очиқ бўлишига имкон беришини, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига хизмат қилишини, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини оширишини таъкидлаб ўтдилар.

Батафсил муҳокамадан сўнг депутатлар ушбу қонунни қабул қилдилар.

Сўнгра депутатлар муҳокамасига **"Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритишни** назарда тутувчи қонун лойиҳаси тақдим этилди.

1992 йилда қабул қилинган "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни касаба уюшмалари фаолиятини янада ривожлантиришга, ҳодимларнинг меҳнатга доир, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг таъсирчан ҳимоя қилинишини таъминлашга кўмаклашганлиги таъкидланди.

Мажлис иштирокчилари қайд этиб ўтдиларки, таклиф этаётган ўзгартишлар касаба уюшмаларининг ижтимоий-меҳнат соҳасидаги эркинлиги кафолати бўлиб хизмат қилади, касаба уюшмаларининг янада ривожланиши учун зарур ҳуқуқий базани яратиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг бирхиллигини таъминлаш имконини беради.

Муҳокамадан сўнг депутатлар ушбу қонунни қабул қилдилар.

Депутатлар, шунингдек, жиноятчилик ҳолатининг, ундаги ўзгаришларнинг ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлилини ҳисобга олган ҳолда фирибгарлик ва транспорт воситасини олиб қочганлик учун жиноий жавобгарликни янада такомиллаштиришга қаратилган **"Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини** кўриб чиқдилар.

Қонунчилик палатаси депутатларининг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришга, жазоларнинг адолатлилиги принципини таъминлашга, шунингдек, мазкур соҳаларда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга кўмаклашади.

Мажлис давомида парламент қуйи палатасининг аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг тартибга солиниши баробарида текширишлар сони йилдан йилга қисқартирилмоқда. Хусусан, 2009 йилдан кейинги даврда режали тартибда текширилаётган корхоналар салмоғи улар умумий сонининг 1 фоизидан ошмаяпти. Ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларида ўтказилиши керак бўлган текширишларни янада қисқартириш чоралари кўрилмоқда. 2016 йилда тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган режали текширишлар 2015 йилга нисбатан 10 фоизга қисқаргани бунинг яққол далилидир.

Текширишларнинг камайиши тадбиркорларнинг вақтини беҳуда олиш, кайфиятига салбий таъсир кўрсатиш каби ҳолатларга барҳам бериб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун янада кенгроқ имконият яратаётир.

Янги фармон билан эндиликда тадбиркорларнинг бу борадаги имкониятлари янада ортди. Чунки шу асосда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланган.

Бу хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун янада қулай шарт-шароитлар яратилишига йўл очади. Мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги ошишига олиб келади. Бу ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилаётганидан далолатдир.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойили соҳа вакилларини ҳуқуқий ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Фармон билан бу тамойилни тўлиқ рўёбга чиқариш механизми янада мустаҳкамланди. Давлат органлари, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар бу тамойилнинг сўзсиз амалга оширилишига бевосита масъул этиб белгиланди.

Тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучайтирилди. Тадбиркорлик субъектларига етказилган зарар бевосита айбдорлардан ундирилиши таъминланади. Бу ноқонуний текширишлар барҳам топиши, давлат органлари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари оқибатида тадбиркорлик субъектларининг фаолияти асоссиз тўхтатилиши ва зарар етказилишига йўл қўймасликка олиб келади.

Фармоннинг энг муҳим жиҳатидан бири – 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилиниши белгиланганидир. Юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақат Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар бундан мустасно, албатта.

Фармонга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан парламент назорати шаклларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтути ташкил этилади. Бу институт тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлашда, давлат тузилмалари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифодалашда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.



О. ГУЛОМОВ (ЎзА) олган сурат

Фармон қоидаларини рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Бу каби чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани мамлакатимизда тадбиркор ва ишбилармонларга, айниқса, кичик бизнес вакилларига эркин ва самарали иш юритиш, иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишда янги имкониятлар яратмоқда. Бу халқимиз фаровонлиги ошиши, мамлакатимиз тараққиёти янада юксак поғоналарга кўтарилишида муҳим аҳамият касб этади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА шарҳловчиси

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 10

Ўзбекистон

05.55 Кўрсатувлар дастури.
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Сайлов – демократия кўзгуси".
07.40 "Ҳунар сирлари".
08.00 "Таҳлилнома".
08.40 "Агроолам".
09.00 "Соғлом она ва бола йили". "Нурли ришталар".
09.20 "Мўъжизалар макони".
09.45 "Таҳлил-25".
10.15 "Ватанпарвар".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Биз учун муҳим". Ток-шоу.
12.00."Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
13.45 Анонс.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Ҳидоят сари".
14.45 "Менинг боғим".
15.05 "Бизнес старт".
15.30 "Қишлоқ ҳаёти".
15.50 Анонс.
16.00 "Заковат".
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Тавваллуд".
17.40 "Менинг ҳуқуқим".
17.50 "Суҳбатдош".
18.10 Анонс.
18.20 "Имконият".
18.40 "Монк". Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Қайнона ва келин". Т/с. Премьера.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Осуда ҳаёт қадри".
21.55 "Муносабат". Ток-шоу.
22.40 – 00.15 "Гўзаллик шайдоси". Б/ф.
00.15 "Бизнес-старт".
00.40 "Менинг боғим".
01.00 "Ахборот" /рус/.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Алла". Спектакль.
04.00 "Ахборот".
04.35 Миллий сериал: "Муҳаббатим – қисматим".
05.10 – 05.55 "Ватанпарвар".

Ёшлар

06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Меҳмонхона". Т/с.
07.30 "Қизлар мактаби".
07.50 "Афсона ва ҳақиқат".
08.30 "Буюк аждар мамлакати". Т/с.
09.50 "UzEX".
10.00 "Камолот-инфо".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Муссонлар ўлкаси". Ҳ/с.
12.00 "Дилозорим". Т/с.
12.50 "UzEX".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Ун иккинчи кеча".Б/ф.
15.40 "Баркамоллик йўлидан".
16.00 "Давр".
16.10 "Янги дунё". Т/с.
17.00 "Камолот-инфо".
17.10 "Соғлом ҳаёт".
17.30 "Канизак Изаура". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Оналар мактаби".
21.00 "Дилозорим". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "200 ёшли одам". Б/ф.
00.30 "Мўъжизавий дунё".
03.10 "Ўзбек адабиёти".
04.40 "Навоий хазинаси".
04.50 "Имкон-шоу".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент

05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
06.00, 07.00, 08.00, 09.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 02.00 "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
06.55 "Тошкент вақти".
09.10 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с.
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Интиқом". Т/с.
11.15 "Пойтахт-культура".
11.25 "Эртамиз эгалари".
11.45 "Poytaxt-avto".
12.15 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
13.15 "Мўъжизакор истеъдод". Ҳ/ф.
13.45 "Мобиль камера".
14.10 "Тошкент вақти".
16.10 "Муҳаббат қиссалари: Қалбим ардоғи". Т/с.
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Рангли телевизор".
17.50 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Пойтахт-авто".
18.35 "Ҳимоя".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Соҳилдаги муҳаббат". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Муҳаббат қиссалари: Қалбим ардоғи". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Жиноятчиликка қарши муросасизлик – жамият барқарорлиги гарови".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Джой". Х/ф.
00.10 "Пойтахт-культура".
00.25 "Жиноятчиликка қарши муросасизлик – жамият барқарорлиги гарови".
01.10 "Эртамиз эгалари".
01.35 "Телетаҳлил".
02.15 "Обод хонадон".
02.40 "Кинотақдим".
02.05 "Poytaxt-avto".
03.20 "Мен сизга айтсам".
03.55 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт

06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Ифтихоримсан, спорт!"
06.30 "Бизнинг спорт".
07.00 "Sport-online".
08.00 Талқин.
08.30 Интерфутбол.
10.00 Теннис. "Тошкент Челленджер" турнири. Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 Велоспорт.
14.00 Хабарлар (ўзб).
14.20 Стол тенниси. Жаҳон Кубоги.
15.25 "Шоҳсупага йўл".
16.10 Футбол. Жаҳон чемпионати U-17. Қизлар.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.30 Хабарлар (рус).
18.45 Интерфутбол.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб).
20.50 "ФИФА". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
22.20 Интерфутбол.
00.00 Мадҳия.
00.05 Стол тенниси. Жаҳон кубоги.
01.10 Хабарлар.
01.35 Интерфутбол.
03.20 – 06.00 Теннис. "Тошкент Челленджер" турнири.

Маҳалла

06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Меҳмонжонлардан айланай".
06.35 "Муҳаббат риштаси".
07.00 "TV анонс".
07.05 Миллий кино. "Пойма-пой".
08.45 "7 кун нафаси".
09.00 Миллий кино. "Келинлар қўзғолони".
10.10 "Маҳалламиз спортчилари".
11.00 "Йўлга чиқдик".
11.25 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
12.05 "Маҳалламиз маликаси".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Хаста".
14.15 "Кўнгилдаги гаплар". Ток- шоу.
15.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
15.30 "Ноёб институт".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 "Фермер".
16.30 "Ихтиро".
17.00 Миллий сериал. "Ҳаёт сабоқлари".
17.30 "TV анонс".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Менинг маҳаллам".
18.30 "Қадр топган қадриятлар".
19.00 Миллий сериал. "Туташ тақдирлар".
19.30 "TV анонс".
19.35 "Чироғи ёниқ уй".
20.00 "Халқ виждони". Ток-шоу.
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Ватан".
22.30 "TV анонс".
22.35 "Осуда ҳаёт".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Маҳалламиз Зулфиялари".
23.35 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Меҳмонжонлардан айланай".
00.35 "Нуроний фасл".
01.00 Миллий кино. "Хаста".
02.10 "Бизнес ва тараққиёт".
02.40 "Маҳаллам ҳақида".
03.00 Миллий сериал. "Ҳаёт жилғалари".
03.30 "Меҳр қўлур". Ток-шоу.
04.10 "Хатарли қармоқ".
